

ИСОҚҶОН НИШОНОВ

2

The background of the cover features a large, stylized illustration. At the top, a massive, glowing yellow and orange plaid shawl or blanket is draped over a large, intense human face. Below this, a group of men in a crowd is depicted. One man in the center-right, wearing a brown jacket and a turban, has his right arm raised in a gesture of leadership or protest. The overall color palette is dominated by warm, fiery tones of red, orange, and yellow, set against a dark background.

АФҶОН ШАМОЛИ

ҚОПҚОН



ИСОҚЖОН НИШОНОВ

АФҒОН ШАМОЛИ

ҚОПҚОН

Иккинчи китоб



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

ТОШКЕНТ

2016

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)7

Н – 69

Нишонов, Исоқжон

Афғон шамоли: роман. Қопқон. Иккинчи китоб. Исоқжон Нишонов. Тўлдирилган қайта нашри. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 224 б.

ISBN 978-9943-27-813-4

«Худди қиёмат қойим бошлангандек ҳамма ҳар ёққа қоча бошлади. ...Юз метрлар нарига тушган снаряднинг гүмбурлаган овози еру кўкни ларзага солди. Абдурасул ерга экиб қўйилгандек танаси ер остида, боши ер устида. Ҳеч ким бу бошни кўрмади. Кимдир тақали этиги билан қурбақани босгандек қонга ботган бошни топтаб ўтди. У бу азобларга дош беролмаслигини тушунди. Шунда Абдурасулнинг кўз олдидан туғилиб ўсган юрти, ота-онаси, ёр-дўстлари ўтди. Беихтиёр вужудини тарк этаётган бор қувватни йиғиб «Онажо-о-н» деб кичқирди...»

«Афғон шамоли»нинг иккинчи китобидан олинган шу кичик парча ўз ватанида яратиш, яшнатиш, билим олишга қодир бўлган ўзбек ўғлонининг бегона ерларда ёт ғояларга асир бўлиб қанчалар хор бўлганини кўз олдимизга келтиради.

Асар давомида китобхонлар ватанига, халқига хиёнат қилган, шунингдек, ўз қилмишларидан пушаймон бўлган бошқа қахрамонларнинг ҳам бошидан кечирганлари, ички кечинмаларидан огоҳ бўладилар.

Асар кенг китобхон оммасига мўлжалланган.

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-27-813-4

© Исоқжон Нишонов, «Афғон шамоли». Иккинчи китоб. «Наманган», 2013 йил.

© Исоқжон Нишонов, «Афғон шамоли». Иккинчи китоб. «Янги аср авлоди», 2016 йил.

ЮРТДА

Криминал вазият мураккаблашиб бораётгани боис, вилоят партия қўмитаси раҳбарларининг илтимосига биноан, Евгений Михайлович Титов ички ишлар бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди. Янги раҳбар идорасидан олис бўлмаган ҳовлида истиқомат қиларди. Унинг ходимларига ибрат бўладиган хислатлари кўп эди. Ишга пиёда бориб келишга одатланган. Эрталаб уйқудан барвақт уйғониб, бадантарбия билан шуғулланиб, кейин ишхонасига йўл оларди. Навбатчилик қисмида тўхтаб, тунда содир этилган воқеа-ҳодисалар ҳақида ахборот олиб, кейин бошқарманинг унча катта бўлмаган ҳовлисига ўтади. Гулзорларни айланиб, шабнам қўнган гулларни ҳидлаб, кейин хонасига чиқади.

Евгений Михайлович бугун ҳам одатини тарк этмаган ҳолда ишхонасига барвақт келди. Навбатчи зобит тунги воқеа-ҳодисалар ҳақида маълумот берди. Иккита майда ўғрилиқни ҳисобга олмаганда вилоятда осойишталик. Полковникнинг қўнгли хотиржам тортди. Бугун байрам бўлгани учунми ёки иш режасига биноанми, қурол-аслаҳа омборини кўздан кечириш мақсадида ертўлага тушди. Ортидан навбатчи эргашди. Хира чироклар қўланса ҳид келиб турган йўлакни

гира-шира ёритиб турибди. Омборнинг темир панжарали эшиги қия очик қолган. Сигнализация ўчирилган. Полковник нарида тўхтаб навбатчига юзланди. Қарашларида «нима гап» деган мазмун бор. Навбатчи оғиз жуфтлаганда Евгений Михайлович қадами ни тезлатиб омбор томон юрди. Ичкарининг чироғи ёниқ эди. Асабий ҳолда эшикни тортди. Панжарага илиб қўйилган қулф бошлиқнинг оёғи остига тушди. Омбор бошлиғи Мамедов полковникни кўрди-ю, жиноят устида қўлга тушган ўғридек бақрайганча қотиб қолди. Юзи оқарди, қўл-оёғи титради. Ерда бир неча дона «Калашников» автомати, «Макаров» тўппончаси ва ўқлар сочилиб ётибди.

– Нима қилипсан? – яқин келиб сўради Титов.

– Қурулларни текширяпман! – ўрnidан туриб қаддини фоз тутишга ҳаракат қилган омборчи қалқиб кетди. Вужудидаги титроқ овозига кўчди.

– Жуда вақтли келибсан-да!

Қурул-аслаҳаларнинг ерда сочилиб ётиши полковникнинг кўнглида шубҳа уйғотди.

– Бугун байрам, ўртоқ бошлиқ, омборни кўздан кечириб қўйгим келди-да!

Титов тажрибали, ўта ҳушёр, синчков, бунинг устига одам руҳиятини яхши биладиган раҳбар эди. Мамедовнинг ўзини тутолмаслиги, юз-қиёфасининг санокли дақиқаларда ўзгариши, овозидаги ҳаяжон нимадандир қаттиқ қўрқаётганини ошкор қиларди.

Полковник навбатчига юзланди.

– Омборнинг очилгани ҳақида нега менга ахборот бермадинг?

– Унутибман, ўртоқ бошлиқ!

– Эшикларни қулфла!

Титовнинг омборчидан шубҳаланишига асоси бор эди. Икки ҳафта бурун омборчи бошлиқнинг ҳузури-

га кириб, юртига кетмоқчи эканини айтганди. Бирок кетишига сабаб бўладиган жиддийроқ баҳона тополмади. Бундан ташқари, давлат хавфсизлик қўмитаси кейинги пайтларда экстремистик гуруҳ аъзолари қурол-аслаҳалар тўплаётганлиги ҳақида бошқармага ташвишли маълумотнома жўнатган эди.

Мамедов ордидан биров итараётгандек судралиб ташқарига чиқди. Навбатчи эшикка қулф солди. Бошлиқ тамға урди. Титов оморни тафтиш қилишга буйруқ берди.

Прокурор Содиқова беш кишидан иборат гуруҳ иштирокида омордаги қурол-аслаҳа ва ўқ-дориларни бирма-бир кўздан ўтказди. Текшириш тун ярмида яқунланди. Олти дона «Калашников» автомати, ўттиз дона «Макаров» тўшпончаси, икки минг дона ўқ кам чиқди. Шунча қурол-аслаҳа, ўқ-дори қаерга кетди?

Содиқова бу саволга жавоб олишни эрталабга қолдириб, Мамедовни шаҳар қамоқхонасининг вақтинча ушлаб туриш изоляторига жўнатди.

Содиқова Мамедовни сўроқ қилиши ҳамда йўқолган қурол-аслаҳа, ўқ-дориларнинг қаердалигини аниқлаш мақсадида эрталаб турмага келди. Йўлакда бошлиқ билан учрашиб, бир неча дақиқа суҳбатлашиб қолди. Прокурор икки нафар ходим билан Мамедов ётган камерага йўл олди. Навбатчи эшикни очганда тўйнуқдан тушиб турган қуёш нурлари Содиқованинг кўзини қамаштирди. Гумон қилинувчини кўролмади.

– Маҳбус қани?! – сўради прокурор турма назоратчисидан. Улар ичкарига мўралашди. Маҳбус ётадиган каравот бўш эди. Ҳаво алмашиб туриши учун ўрнатилган тўйнуқ ортидаги темир панжарага боғланган матони, сўнг шу матога ўзини осиб қўйган Мамедовнинг танасини кўришди. Содиқованинг туни билан ўйлаган режалари чиппакка чиқди. Шу тариқа вилоят

ички ишлар бошқармасининг қурол-аслаҳа омборидан йўқолган автомат, тўппонча ва ўқ-дорилар сувга тушган тошдек ном-нишонсиз кетди. Улар кимнинг қўлида? Тергов-суриштирув органларининг ходимларини шу савол ўйлантирарди...

САМАНГАН

Куз охирлади. Тошларнинг панасида димиқиб ётган изғирин кўзларини ишқалаб-ишқалаб ҳавонинг тафтини синдирди. Тоғларнинг ҳайбатли чўққилари оқарди. Ўт-ўланлар сарғайиб дилдиради. Дарахтлар баргларини тўкди. Совуққа чидамсиз қушлар ошёналарини тарк айлаб, қанотларини ёйиб, бўйинларини чўзиб, мунгли кўзлари ила дон излаб, одамлар яшайдиган жойларга парвоз қилди. Қишнинг барвақт келишини, тоғларни қалин қор босишини жониворлар олдиндан билган. Бироқ улар Саманган осмонини икки йилдан буён четлаб ўтишарди. Қишлоқ ҳамиша хатарли эди. Бу ерга ин қуриб олган жангарилар жониворларни қишлайдиган қўналғасидан қувиб солишганди. Момақалдиروقни эслатувчи қийқириқ ва бақирлар, пала-партиш ўқ узишлар қушларнинг юрагини безиллатиб қўйган. Жангарилар бу жониворларни шафқатсизларча отишар, гўштларини нимгалаб, сихга тортиб, чўғда тоблаб ейишарди.

Тўпидан айрилган ўн чоғлик каклик кутилмаганда қишлоқ осмонида пайдо бўлиб қолди. Улар адашган эди. Ку-кулаб шерикларини излаб, ер бағирлаб учиб боришарди. Шу тариқа чодирларга яқин бориб қолишганини сезмай қолишди. Яйловда машғулот ўтаётган жангарилар какликлар овозини эшитиб, тезда қуролларини қўлларига олиб, қушларга қарата ўқ узишди. Какликлар шу заҳотиёқ хавфни сезиб

юқорига кўтарилди, ва ҳар томонга ёйилиб учиб кетди. Шундай бўлса-да, ўқлардан бири йўлбошловчи какликнинг қанотини тешиб ўтди. Жонивор ерга қулади. Қолганлари эса йироқларга кетди. Жангарилар овчи итлардек какликни излашди.

Ўқ овозини эшитган Эргашнинг юраги қалтиради. Ўзини одамнинг боши сиғадиган туйнукка урди. Яйловда юрган йигитлардан бири ҳали жони чиқмаган, патлари қон-қушга беланган какликнинг қанотидан ушлаб турганини кўриб автоматлардан нега ўқ узилганини билди.

Икки кундан буён тўдабошининг кайфияти ёмон. Одамларининг изғиб юрганини кўриб баттар эзилди. Қиш ўз ташрифидан дарак бериб «тайёргарлигини кўр» дегандек изғиринини жўнатди. Бироқ тўдабоши қишга тайёргарлик кўришни ҳали ўйлаб кўрмаган. Умиди раҳнамолардан эди. Бир ой муқаддам учрашишганда кийим-кечак, озиқ-овқат, кўрпа-тўшак жўнатишга ваъда беришган. «Узоғи билан ўн беш кун ичида етиб боради» деб айтишганди. Бир ой ўтди. Наҳотки ваъдаларини унутган бўлишса? Ахир совуқ кунларда чодир ичида яшаб бўладими? Одамлари шамоллайди, юқумли касалликлар болалайди. Бусиз ҳам очликдан силлалари қуриб машғулотларга ярамай қолишди. Битта қуш учиб ўтса, аниқ ўққа тутишмоқда. Бу билан яна қанча ҳаёт кечириш мумкин. Шошилиш чора кўрилмас экан, кўпчилик қочиб кетиши аниқ. Одамлар сони камайган сайин тўдабошининг обрўи тўкилади. Раҳнамолар юзини терс буриб кетишади!

Маҳаллий халқ келгиндиларни ёқтирмаслигини Эргаш тушуниб етган. Қувиб ҳайдаган бўлишарди-ю, аммо толибонлар бошлиғидан чўчиб, ғазабларини ичларига ютиб, тишларини тишларига босиб юришибди.

Эргашнинг ўз ҳомийлари олдида обрўсизланиши, ишончни йўқотишига бошқа сабаб бор. Абдуғаффорнинг Боткент блок постидаги шармандали мағлубияти уни ҳеч нарсага қодир эмаслигини исботлаб қўйди. Ўшанда Абдуғаффор Эргашнинг маслаҳатига кулок солмади. Ўзбилармонлик қилди. Хатоси шунда эди. Очиғи, Эргашнинг ўзи ҳам чегарани бузиб ўтишга эмас, яқин боришга юраги чопмайди. Нима қилганда ҳам бир марта бурни қонади. Жони омон қолганига шукр қилди. Ҳар гал кулбасининг дарчасидан ташқарига боқиб, ўша аламли кунларини ёдга олади. Юртни ташлаб, ўзга элга қочиб кетган кунлари кўз ўнгида жонланади. Айни пайтда ҳам қишнинг барвақт келишидан ташвишланиб, дарча олдига бориб, тоғ чўққиларини қоплаган қалин қорга кўз тикиб турар экан, юрагидаги оғриқлар кўзгалгандек бўлди.

ТОЖИКИСТОН

199... йилнинг эрта баҳорида Эргаш изига изқуварлар тушганини пайқаб қолди. Шаҳарда содир этилган бир қатор қотиллик ва босқинчилик каби оғир жиноятларда қўли борлиги фош бўлди. Галдаги жиноятни амалга оширган тунда одамларини тўплади.

– Зудлик билан шаҳардан чиқиб кетишимиз керак! – деди шерикларига. – Ментлар изимизга тушибди. Эртага ҳаммамизни тутиб қамашади. Неъмат, сен бир-икки кун шу ерда қоласан. Одамларимизни тўплаб, уларни ўзинг билан Тожикистонга олиб ўтасан. Биз сизларни ўша ерда кутамиз. Ҳамма бориши шарт. Бирор кишининг қолиши мумкин эмас! Қўлга тушгудек бўлишса, бизнинг айбларимиз очилади.

– Хотиржам бўлинг, сизнинг тузингизни ким ичган бўлса, изингиздан боришга мажбур. Бормаганлар билан ҳисоб-китобни ўзим қиламан!

– Сенга ишондим!

Шунда Эргашнинг олдида турган ёшгина йигит:

– Мен боролмайман, онам бетоб, – деб тўдабошининг таклифини рад этди. Ҳамманинг кўзи Эргашга қадалди. У ҳукмини ўқиши лозим эди. Рухсат берса, қолганлар ҳам ниманидир баҳона қилиб шу ерда қолишлари тайин эди.

– Мен ҳамманинг бориши шарт дедим! – овозини баландлатиб ўшқирди тўдабоши. Унинг жаҳли чиққани афт-ангоридан билиниб турарди.

– Онамни ташлаб кетолмайман...

– Биз ҳам сени ташлаб кетолмаймиз!

Эргаш қандай қилиб йигитнинг кўксига ханжар урганини атрофдагилар сезмади.

– Кетдик!

Ҳаммалари жўнашди. Кўкрагидан қон отилиб чиқаётган йигит деворга суянганча, уларнинг ортидан қараб Эргашга қарата бир сўз айтди.

– Энангни...

Бу унинг сўнгги сўзи эди. Жон чиқар олдидан қонли бармоқлари билан деворга «Эргаш» деган сўзни ёзиб қолдирди.

Эргашни ва унинг одамларини Тожикистондаги шериклари иззат-икром билан кутиб олишди. Йигитлари учун алоҳида жой ажратиб беришди. Шароит офир эди. Ейишга нон топилмасди. Кўпчилик қийналди. Қочмоқчи бўлганлар сони ортди.

– Ортга йўл йўқ! – Эргаш уларнинг йўлини тўсди. Тўшпончасини ғилофидан олиб боши узра кўтарди. – Биз фақат қурол билан қайтамиз!

Иккита йигит олдинга чиқди.

– Ватанга қурол кўтариб кирсак, ота-боболаримизнинг руҳини чиркиратган бўламиз. Авлод-аждодларимиз бизни тавқилаънат билан эшлашади. Ёв бўлиб



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/1524> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1524> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/1524>